

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

ИМИНОВ ТЎХТАСИН НУРМАМАТОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ИРРИГАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ ВА
МЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD) in
Economics Sciences**

Иминов Тўхтасин Нурмаматович

Суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларнинг самарадорлигини ошириш йўллари3

Иминов Тухтасин Нурмаматович

Пути повышения эффективности ирригационных услуг и мелиоративных мероприятий на орошаемых землях23

Iminov Tukhtasin Nurmamatovich

Ways to improve the efficiency of irrigation and reclamation activities on irrigated lands.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

ИМИНОВ ТЎХТАСИН НУРМАМАТОВИЧ

**СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ИРРИГАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ ВА
МЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt91 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бажарилган.

Диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Умурзоқов Ўқтам Пардаевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий опонентлар:	Хасанов Шавкат Турсункулович иқтисодиёт фанлари доктори Шохўжаева Зебо Сафоевна иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, факс: (99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiiame.uz.)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2019 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.С. Хушматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

Б.Ф. Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

Н.С. Хушматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 18 фоизи суғориладиган майдонлардан иборат бўлиб, уларда амалга оширилаётган мелиоратив тадбирларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига: ишларни автоматлаштириш, ахборот таъминотини яхшилаш, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш стратегияси ва усулларини такомиллаштириш, оқава сувлардан такроран фойдаланиш, экин майдонларида сув йўқотишлари ва исрофгарчиликларини бартараф этиш, техникалардан кўп мақсадли фойдаланиш ва шу қабилар киритилган¹. Бундай шароитда ер ва сув ресурслари, сув хўжалиги объектларидан самарали фойдаланишга қаратилган ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлардан ўзаро боғлиқликда фойдаланиш зарурияти келиб чиқади.

Глобал иқлим ўзгаришлари шароитида жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг 40 фоизи ва дон етиштиришнинг 60 фоизи суғориладиган ерларга тўғри келмоқда². Ушбу суғориладиган ерларнинг 86 фоизида анъанавий эгатлаб суғориш усули қўлланилмоқда. Осиё бўйича бу кўрсаткич янада юқори, яъни 95,5 фоизни ташкил этмоқда³. Бу майдонларда суғориш механизмидан нотўғри фойдаланилиши тупроқ сифатининг ёмонлашишига, зовур оқимларининг вужудга келиши ва кўпайишига, нотўғри суғориш ҳамда суғоришлар сонини ошириш эса, сизот сувлари сатҳи кўтарилиши ва тупроқлар шўрланишини тезлашишига олиб келмоқда. Ушбу ҳолат ерлар мелиоратив ҳолати ёмонлашишининг олдини олиш чораларини кўришни талаб қилади.

Мамлакатимизда ирригация хизматлари кўрсатиш жараёнида мелиоратив тадбирларга асос бўладиган ташкилий, иқтисодий, техник, молиявий муаммо ва камчиликларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг ортиб бориши ер ости сувлари сатҳи кўтарилиши ва тупроқлар шўрланишига олиб келмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш...”⁴ масалалари тармоқда амалга ошириладиган устувор вазифалар сифатида белгиланди. Ушбу масалаларни ижобий ҳал этишда суғориладиган ерларда сув истеъмолини режалаштириш ва ташкил этишни такомиллаштириш, тармоқнинг тупроқ-мелиоратив шароитларидан фойдаланиш даражасини яхшилаш, Сув истеъмолчилари уюшма (СИУ)ларининг техник-молиявий ҳамда малакали мутахассислар таъминотини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш зарурати мавзунини долзарблигини белгилайди.

¹ <https://b-ok.org/book/3157238/ff161e>.

² http://www.rusnauka.com/26_WP_2012/Agricole/3_116187.doc.html.

³ Гопалакришна М. Площади дождевания и микро-орошения в некоторых странах-членах МКИД. http://www.cawater-info.net/int_org/ucid/publications.html.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, №6 (766). – 223-248 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони, 2017 йил 27 ноябрдаги “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-3405-сон қарори, 2018 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3672-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув хўжалигини ривожлантириш, иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда сув хўжалиги мажмуасидаги ўзаро ташкилий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, суғориш ва мелиорация самарадорлигини аниқлаш бўйича хорижий давлатлар олимларидан И.А.Голованов, Е.П.Ушаков, А.А.Голуб, Ю.П.Беличенко, К.В.Долгополов, Е.Ф.Фёдорова, Ч.Роллинз, Д.Раатс, Р.Ниммер, Ф.Бубенцер, В.С.Дмитриев, З.А.Сыромятникова, Н.С.Путято, М.Ф.Кудин, А.К.Заикина, В.Б.Яблошинская, В.П.Штыка, О.А.Лазутина, М.И.Фарзалиев, А.М.Мусаев, И.М.Аскеров⁵ сингари олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Республикамизда сув хўжалиги тизимини бошқариш ва уни такомиллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари, сув ресурсларидан мажмуали, ҳудудий фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш самарадорлигини ошириш, суғориш ва мелиоратив тадбирлар самарадорлигининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш масалалари бўйича А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев, А.С.Султонов, Ў.П.Умурзоқов, Ж.Х.Рашидов, Т.Ризаев, З.А.Артукметов, Р.А.Абдуллахонов, С.Ч.Джалалов, З.Я.Худайберганов, С.Авезбаев, С.Н.Волков, А.А.Рафиқов, А.Ғофуров, Ф.М.Раҳимбоев, С.И.Холиқов, А.Қодиров, Х.Шукурлаев, А.Маматалиев,

⁵ Голованов И.А. Мелиорация земель. Учебник. – М.:Колос, 2011. – 824 с.; Ушаков Е.П., Голуб А.А., Беличенко Ю.П. Водные ресурсы: рациональное использование. – М.: Экономика, 1987. – 126 с.; Долгополов К.В., Фёдорова Е.Ф. Вода – национальное достояние. – М.: Мысль, 1973. – 178 с.; Роллинз Ч., Раатс Д. Перспективы развития высокочастотного орошения // Гидротехника и мелиорация. 1969, №4, – 85-90 с.; Ниммер Р., Бубенцер Ф. Определение потребности орошения с помощью ЭВМ. Документы 3-ей международной Американской конференции по водным ресурсам, 1971. – 126 с.; Дмитриев В.С., Скромнятникова З.А., Путято Н.С., Кудин М.Ф. Экономика мелиорации земель. – М.: Колос, 1981. – 207 с.; Дмитриев В.С., Путято Н.С., Заикина А.К., Яблошинская В.Б., Штыка В.П., Лазутина О.А., Фарзалиев М.М., Мусаев А.М., Аскеров И.М. Эффективность мелиорации и водного хозяйства. – М.: Агропромиздат, 1986. – 142 с.

Р.Шукурлаева, Б.У.Ҳасанов, З.С.Шохўжаева, У.Р.Сангирова, С.Р.Умаров⁶ сингари олимлар томонидан чуқур илмий ва амалий аҳамиятга эга тадқиқот ишлари олиб борилган.

Аммо бу тадқиқотларда суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлар бўйича фаолиятни ўзаро боғлиқликда шакллантириш ва самарадорлигини ошириш масалалари илмий жиҳатдан ўрганилмаган. Айнан шу жиҳат муаммонинг тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши республика аграр иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келувчи Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг илмий тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлар самарадорлигини ўзаро боғлиқликда оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориладиган ерлардаги ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ёритиш, уларни ўзаро боғлиқликда амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш ҳамда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлар самарадорлигининг ўзаро боғлиқлигини илмий асослаш;

⁶ Абдуғаниев А., Абдуғаниев А. А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2010. – 283 б.; Султонов А.С., Умурзаков Ў.П., Рашидов Ж.Х. Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. Дарслик. – Т.: ТИМИ, 2008. – 272 б.; Умурзаков Ў.П., Ризаев Т. Сув истеъмолчилари уюшмаларини барқарор ривожлантириш имкониятлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 2011, №11. – 25 б.; Артуқметов З.А. Сув ресурслари ва сувдан фойдаланиш – Т.: ТДАУ, 2007. – 293 б.; Абдуллахонов Р.А. Ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуаси ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш: иқт. фан. номз. ... дис. автореферати – Т., 2003. – 11-13 б.; Джалалов С.Ч. Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов. – Т.: Chinor ENK, 2000. – 199 с.; Худайбергенов З.Я. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. Монография. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. – 203 б.; Аvezбаев С., Волков С.Н. Ер тузиш иқтисоди. Дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 288 б.; Рафиков А.А. Повышение продуктивности орошаемых земель на основе рационального использования воды в засушливой зоне (на примере орошаемых земледелия Северного и Центрального Казахстана): дисс. на соис. уч. степ. к.т.н. – Т., 1987. – 13 с.; Гофуров А. Ўзбекистонда сув хўжалиги комплексининг ривожланиши. – Т.: Мехнат, 1987. – 242 б.; Рахимбоев Ф.М., Холиқов С.И. Сув хўжалигига оид русча-ўзбекча-французча луғат. – Т.: Ўқитувчи, 1998. – 184 б.; Қодиров А. Ўзбекистон ирригацияси тарихидан лавҳалар (XIX–аср ўрталаридан 1920 йилларгача). – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1998. – 140 б.; Шукурлаев Х., Маматалиев А., Шукурлаева Р. Қишлоқ хўжалик гидротехника мелиорацияси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТИМИ, 2007. – 240 б.; Ҳасанов Б.У. Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми: иқт. фан. номз. ... дис. – Т., 2005. – 39-40 б.; Шохўжаева З.С. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш: иқт. фан. номз. ... дис. – Қарши, 2010. – 131 б.; Сангирова У.Р. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш: иқт. фан. номз. ... дис. – Т., 2012. – 15-19 б.; Умаров С.Р. Сув хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш: иқт. фан. док. ... дис. – Т., 2017. – 35-36 б.

суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларни ўзаро боғлиқликда самарали амалга оширишга таъсир этувчи омиллар ва самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш;

сув хўжалигида ирригация хизматлари кўрсатиш ишлари ва мелиоратив тадбирларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ҳамда ирригация-мелиорация фондларидан самарали фойдаланиш жараёнларини таҳлил қилиш ва уларнинг самарадорлик даражасига баҳо бериш;

ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларнинг техник ва молиявий таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

худудда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларнинг ташкилий-иқтисодий тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Андижон вилоятидаги суғориладиган ерларда фаолият юритаётган ирригация хизматлари кўрсатувчи ва мелиоратив тадбирларни амалга оширувчи субъектлар ва сув истеъмолчилари танлаб олинган.

Тадқиқот предмети ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлар субъектлари фаолиятидаги ташкилий-техник, иқтисодий-молиявий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар жараёнида тизимли ёндашув, иқтисодий таҳлил, қиёсий таққослаш, статистик гуруҳлаш, монографик кузатиш, анкета сўрови ва иқтисодий-математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топган:

сув сарфига сизот сувлари чуқурлиги ва унинг шўрланиш даражасига қараб тақсимланган пахта-ғалла экин майдонлари ҳажми ўзгаришининг таъсири бўйича услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

пахта-ғалла экин майдонлари учун сув истеъмоли режасини оптимал эгат узунлиги ва чуқурлигини назарда тутган ҳолда тузиш бўйича тавсиялар асосланган;

СИУларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини тузиш ҳамда улар балансидаги насос агрегатлари ва суғориш қудуқларини фермер хўжаликлари балансига ўтказилиши ҳисобидан замонавий мелиоратив ва мобил техникалар билан таъминлаш юзасидан тавсиялар асосланган;

давлат-хусусий шерикликка асосланган туман СИУни тузиш асосида улар фаолиятини такомиллаштириш тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ирригация хизматларининг ерлар мелиоратив ҳолатига таъсирини ифодаловчи самарадорлик кўрсаткичлар тизими ва сув таъминотидаги таваккалчилик даражасини камайтирувчи суғурталаш турларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

эгатнинг оптимал узунлиги ва чуқурлиги маълумотлари асосида сув истеъмоли режасини тузиш ва харажатлар сметасини такомиллаштириш бўйича таркибий ўзгаришлар белгилаб берилган;

иктисодий-математик моделлаштириш ёрдамида сизот сувларининг чуқурлиги ва шўрланиш даражаси маълумотлари асосида сув сарфини оптималлаштириш юзасидан тавсиялар тайёрланган;

сифатли ҳамда самарали ирригация хизматлари кўрсатиш ва мелиоратив тадбирларни амалга ошириш мақсадида хизмат кўрсатувчи субъектларнинг молиявий манбаларини кўпайтириш ҳисобидан мавжуд мелиоратив техникаларни модернизациялаш ва бу субъектларни мобил техникалар билан таъминлаш йўллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олимларнинг ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий қарашлари қиёсий ва танқидий таҳлил қилинганлиги, тадқиқот жараёнида қўлланилган методологик ёндашув ва усуллар асосланганлиги, ахборот базаси расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улар мамлакатимизда ирригация хизматлари кўрсатувчи ва мелиоратив тадбирларни амалга оширувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш имконини беради. Улардан шунингдек, амалий жиҳатдан ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларни доимо ўзаро боғлиқликда ривожлантириш, ушбу хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолиятининг ташкилий-техник, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туман ирригация бўлимлари, СИУлар ва сув истеъмолчилари фаолиятида ҳамда тармоқ олий таълим муассасаларидаги тегишли фан йўналиши бўйича таълим жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича олинган таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

сув сарфи, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги ва шўрланиш даражаси маълумотларига таяниб, оптимал суғориш техникаси элементларини танлашнинг математик моделини қўллаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 1 мартдаги 03/16-90-сон маълумотномаси). Мазкур моделнинг тадбиқ этилиши шўр ювишга сарфланадиган сувларни 15-20 фоизга тежаш ҳамда суғориш тармоғи охирида жойлашган экин майдонларини сув билан таъминлаш имкониятларини яхшиланиши асосланган;

оптимал суғориш техникаси элементлари ёрдамида вегетация даврига тузиладиган сув истеъмоли режаси ва СИУларнинг харажатлар сметаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 1 мартдаги

03/16-90-сон маълумотномаси). Натижада бир гектар ҳисобига сув истеъмолини ўртача 5-7 фоизга камайиши, пахта ҳосилдорлигининг ўртача 7-9 фоизга, ғалла ҳосилдорлигини ўртача 8-10 фоизга ортиши асосланган.

ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларнинг молиявий манбаларини кўпайтириш орқали СИУларни замонавий мелиоратив ва мобил техникалар билан таъминлаш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 1 мартдаги 03/16-90-сон маълумотномаси). Бунда СИУларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратиладиган кредит ресурслари таркибидаги СИУ хизмати ва бошқа харажатлар таркибидаги ички хўжалик ирригация ҳамда коллектор-зовур тармоқларини тозалаш ва сақлаш харажатлари учун маблағлар, уларнинг кредит фоиз ставкалари пасайтирилиши, СИУлар балансидаги насос агрегатлари ва суғориш кудуқларининг фермер хўжаликлари балансига ўтказилиши эвазига электр энергияси, сақлаш, таъмирлаш ва сотиб олиш харажатларининг тежалиши ҳисобидан туман СИУларини замонавий мелиоратив ва мобил техникалар билан таъминлаш, шунингдек, ходимларни моддий рағбатлантириш имкониятларининг яратилиши асосланган;

кўрсатилаётган ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларда қўлланилаётган анъанавий ва ресурстежамкор технологияларнинг самарадорлигини ўзаро боғлиқликда ошириш мақсадида давлат-хусусий шерикликка асосланган туман СИУни тузиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 1 мартдаги 03/16-90-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида 1 гектар комплекс майдонга сарфланадиган сув миқдорининг 10-15 фоизга тежалиши ва 1 гектар майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришдан ўртача 738 минг сўм қўшимча даромад олиниши имкониятларининг мавжудлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 3 та халқаро, 7 та республика доирасидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш эълон қилинган. Уларнинг 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда, шундан 4 таси маҳаллий, биттаси хорижий журналларда нашр этилган илмий мақолалар, 14 таси илмий-амалий конференциялардаги маърузалар тезисларидир.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 27 та жадвал ва 13 та расмни ўз ичига олган. Диссертациянинг умумий ҳажми 137 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб **“Суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлар самарадорлигини ўзаро боғлиқликда оширишнинг назарий асослари”**да суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларни боғлиқликда амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий зарурлиги асосланган, суғориладиган ерлардан фойдаланишда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган, суғориладиган ерлардаги ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда уларнинг самарадорлигига ўзаро боғлиқликда таъсир этувчи омиллар тизимлаштирилган.

Суғориладиган ерларда самарали ирригация хизматлари кўрсатиш ва мелиоратив тадбирлар амалга оширишнинг халқаро тажрибасида ушбу хизматлар нотижорат шаклдаги фаолиятга асосланиши таъкидланади. Бунга сабаб, суғорма деҳқончиликда сув таъминоти бўйича таклиф ва талаб мезонининг амалда эмаслигидир. Сув таъминотида рақобат бўлиши мумкин эмас, чунки, сув битта ариқ ёки манбадан берилади, бунда бозор муносабатлари чекланган. Бундай ҳолатда ер-сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини оширишни суғориладиган ерларда ирригация хизматлари кўрсатувчи ва мелиоратив тадбирларни амалга оширувчи субъект (СИУ) лар зиммасига юклаш энг мақбул йўлдир. Лекин вегетация даврида барча истеъмолчиларни сув билан бир хилда таъминлаш имконияти йўқлиги, сув истеъмоли ва сувдан фойдаланишдаги тартиббузарликларга қарши иқтисодий таъсир чоралари кўрилмаслиги, кўрсатилган хизматлар учун бадаллар ўз вақтида тўланмаслиги, моддий-техника базаси ўта заифлиги боис СИУлар талаб даражасидаги ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларни кўрсата олмайди.

Бу эса ўз навбатида, ички хўжалик мелиоратив тармоқларининг ишчи ҳолати, суғориладиган ерларнинг тупроқ-мелиоратив ҳолатини ўзгартиради ёки аксарият ҳолатларда бузади, мелиоратив тадбирларни мунтазам ва тизимли равишда ирригация хизматлари билан боғлиқликда олиб боришни талаб қилади. Шунингдек, ушбу хизмат ва тадбирлар ўртасида корреляцион-регрессион боғлиқлик ҳам мавжуд.

Суғоришдаги мавжуд камчиликлар натижасида сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига ва уларнинг шўрланиш даражасига қараб тақсимланган майдонларнинг ўзгариши кузатилади. Экин тури бўйича сув сарфлари, сизот сувлари жойлашиши чуқурлиги ва уларнинг шўрланиш даражасига қараб тақсимланган майдонларнинг кўп (10-15) йиллик

маълумотлари асосида корреляцион-регрессион таҳлил усули орқали суғоришни пахта-ғалла экин майдонларининг тупроқ-мелиоратив ҳолатига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлган натижаларни бериши мумкин.

Сув сарфига сизот сувлари чуқурлигига қараб тақсимланган пахта-ғалла экин майдонлари ҳажми ўзгаришининг таъсирини иқтисодий-математик баҳолаш формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y = C \pm r_1 * X_{ссч1} \pm r_2 * X_{ссч2} \pm r_3 * X_{ссч3} \pm r_4 * X_{ссч4} \pm r_5 * X_{ссч5} \quad (1)$$

$$R^2 = 0 \dots n. \quad F = 0 \dots n.$$

бунда, Y – сув сарфи

$X_{ссч1}$ – сизот сувлар чуқурлиги 0–1,5 метргача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссч2}$ – сизот сувлар чуқурлиги 1,5–2 метргача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссч3}$ – сизот сувлар чуқурлиги 2–3 метргача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссч4}$ – сизот сувлар чуқурлиги 3–5 метргача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссч5}$ – сизот сувлар 5 метр ва ундан юқори чуқурликга эга экин майдонлари,

C – ўзгармас сон,

r_1, r_2, r_3, r_4, r_5 – регрессия коэффицентлари,

R^2 – детерминация коэффиценти,

F – Фишер индекси.

Сув сарфига сизот сувларининг шўрланиш даражаси бўйича тақсимланган пахта-ғалла экин майдонлари ҳажми ўзгаришининг таъсирини эконометрик баҳолаш формуласи эса, қуйидаги тенгликдан иборат бўлади:

$$Y = C \pm r_1 * X_{ссшд1} \pm r_2 * X_{ссшд2} \pm r_3 * X_{ссшд3} \pm r_4 * X_{ссшд4} \quad (2)$$

$$R^2 = 0 \dots n. \quad F = 0 \dots n.$$

бу ерда, Y – сув сарфи

$X_{ссшд1}$ – сизот сувларининг шўрланиш даражаси 0–1 г/л гача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссшд2}$ – сизот сувларининг шўрланиш даражаси 1–3 г/л гача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссшд3}$ – сизот сувларининг шўрланиш даражаси 3–5 г/л гача бўлган экин майдонлари,

$X_{ссшд4}$ – сизот сувларининг шўрланиш даражаси 5–0 г/л гача бўлган экин майдонлари.

Корреляция коэффицентининг манфий қиймати юқорида келтирилган ҳодисалар ўртасидаги тесқари боғланишни кўрсатади. Жумладан, ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлар доирасида сув сарфи ўзгаришини сизот сувларнинг чуқурлиги ва уларнинг шўрланиш даражасига кўра тақсимланган майдонлар ҳажми ўзгаришининг ижобий таъсири улар ўртасидаги тесқари боғланишни, салбий таъсири эса, тўғри боғланишни ифодалайди.

Суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлар билан шуғулланувчи ташкилотларда фаолиятни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ирригация-мелиорация фондларидан самарали фойдаланиш жараёнида уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш талаб қилинади.

Ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларни ўзаро боғлиқликда самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири ушбу фаолиятни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш ҳисобланади. Шунга мувофиқ, сув хўжалигида ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларнинг самарадорлигини ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш зарур.

Ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларнинг самарадорлигини ўзаро боғлиқликда ошириб бориш зарур инфратузилмаларни шакллантиришни талаб қилади.

Ҳозирда сув хўжалиги тизимида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича инфратузилма тизими шакллантирилган. Лекин, айнан ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларнинг самарадорлигини ўзаро боғлиқликда ошириш учун хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар етарли эмас. Шу сабабли фикримизча, ушбу хизматлар ва тадбирлар самарадорлигини боғлиқликда оширувчи инфратузилмаларни асосан бешта йўналишда ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Улар инновацион таъминот, кадрлар таъминоти, технологик таъминот, ахборот таъминоти ва ушбу жараёнларнинг молиявий таъминоти билан шуғулланувчи инфратузилмалардан иборат.

Суғориладиган ерлардаги ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ташкилий-бошқарув, иқтисодий-молиявий, техник-технологик, ҳуқуқий ва экологик кўринишларга эга.

“Суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларнинг ҳозирги ҳолати” деб номланган иккинчи бобда вегетация даврида ирригация хизматларининг режалаштирилиши ва ташкил этилиши, суғоришнинг ерлар мелиоратив ҳолатига таъсири ва мелиоратив тадбирлар самарадорлигининг ҳозирги ҳолати ҳамда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлар техник ва молиявий таъминотининг мавжуд ҳолатига баҳо берилган.

Тадқиқот натижалари бўйича сўнгги йилларда 1 гектар асосий қишлоқ хўжалиги экинлари майдонига сув сарфининг камайиши кузатилмоқда (1-жадвал). Лекин сув сарфларини сизот сувларининг жойлашган чуқурлиги, тупроқнинг механик таркиби, тупроқ қатламининг тузилишига кўра С.Н.Рижов ва Н.Ф.Беспалов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳозирда амалиётда қўлланилаётган суғориладиган ерларни 9 та гидромодул район бўйича суғориш меъёрлари билан таққосланганда ортиқча сувдан фойдаланилаётгани кузатилади.

Жумладан, кузатилаётган даврда Андижон вилоятида пахтачиликда меъёрга нисбатан 101,1-115,7 фоиз, ғаллачиликда 162,1-231,5 фоиз, боғдорчиликда 131,6-146,0 фоиз, узумчиликда 126,9-138,7 фоиз атрофида ва шолчиликда 163,7 фоиз кўп сувдан фойдаланилган. Бунга сабаб суғориш техникаси элементларига амал қилинмаслиги, сувчилар суғориш меъёрларини билмасликлари, суғориш вақти ва давомийлигига сув сарфи ва тезлигига риоя қилмасликлари, сувлар ташламаларга ташланиши кўплиги, сувдан фойдаланиш устидан назорат сустлиги ва шу кабилар ҳисобланади.

1-жадвал

Андижон вилоятида 1 га асосий қишлоқ хўжалик экинлари майдонида суғоришни ташкил этилиш ҳолати⁷

Кўрсаткичлар	Ўл- чов бирли- ги	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2018 й.да 2014 й.га нисбатан, %
Ҳақиқатда берилган сув:							
– пахта	минг м ³	7,04	6,54	6,37	7,29	6,89	97,9
ш.ж.:меъёрга нисбатан	%	111,7	103,8	101,1	115,7	109,4	х
– ғалла	минг м ³	7,64	7,64	5,35	5,77	5,72	74,9
ш.ж.:меъёрга нисбатан	%	231,5	213,5	162,1	174,8	173,3	х
– боғлар	минг м ³	6,57	6,37	5,92	6,30	6,25	95,1
ш.ж.:меъёрга нисбатан	%	146,0	141,6	131,6	140,0	138,9	х
– узумзорлар	минг м ³	6,24	6,17	5,71	6,13	6,09	97,6
ш.ж.:меъёрга нисбатан	%	138,7	137,1	126,9	136,2	135,3	х
– сабзавот	минг м ³	6,09	6,11	6,09	6,11	6,09	100,0
ш.ж.:меъёрга нисбатан	%	72,9	73,2	72,9	73,2	72,9	х
– шולי	минг м ³	35,2	35,2	35,2	34,0	35,2	100,0
ш.ж.:меъёрга нисбатан	%	163,7	163,7	163,7	163,7	163,7	х

Суғориладиган деҳқончилик шароитида ирригация хизматларини ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсири нуқтаи назаридан мелиоратив хизматлар билан боғлиқлиги мавжуддир (2-жадвал). Жумладан, суғориладиган ерларга ҳақиқатда берилган сув миқдорларининг ортиши (106,5 фоиз) ва СИУларнинг кўрсатган ирригация хизматлари ҳаражатларининг ўсиши (127,2 фоиз) сизот сувлари чуқурлиги 1,5-2 метр бўлган майдонларни 5,56 минг гектарга ортишига, 2-3 метр бўлган майдонларни эса, 3,08 минг гектарга камайишига олиб келган. Шунингдек, кузатилаётган вақт оралиғида ер ости сувларининг шўрланиш даражаси 105,4 фоизга ошган. Булар эвазига, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфланган жами маблағлар 141,0 фоизга ортган. Демак, ирригация хизматлари ҳатто мелиоратив хизматлар мунтазам кўрсатилаётган бир шароитда ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир этмоқда ҳамда ерларнинг захини қочириш ва шўрини ювишга маблағлар сарфланишини талаб қилмоқда, яъни мелиоратив хизматларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Суғориладиган ерлардаги сув истеъмолчиларининг бугунги фаолияти ерлар мелиоратив ҳолатига таъсири нуқтаи назаридан ирригация хизматлари талабларига, шунингдек, кўрсатилаётган ирригация хизматлари сифати сув истеъмолчилари талабларига тўлиқ жавоб бера олмаяпти. Бу кўрсатилаётган ирригация хизматларининг сифатини яхшилаш ва назоратини кучайтириш орқали мелиоратив тадбирлар ҳаражатларини камайитириш заруратини келтириб чиқаради.

⁷ Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

**Ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш харажатлари ўсишини
ирригация хизматларига боғлиқлиги⁸**

№	Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2018 й.да 2016 й.га нисбатан, %
1.	Суғоришга ҳақиқатда берилган жами сув миқдори (млн. м ³)	1618,8	1724,5	1724,5	106,5
2.	Тизимдаги СИУларнинг кўрсатган ирригация хизматлари харажатлари (млн. сўм)	4010,2	4788,9	5101,2	127,2
3.	Ер ости сувлари чуқурлиги: – 1,5-2 метр бўлган майдонлар (минг га)	92,50	87,91	98,06	106,0
	– 2-3 метр бўлган майдонлар (минг га)	66,34	65,39	63,26	95,4
4.	Ер ости сувларининг шўрланиш даражаси (г/л)	0,93	0,96	0,98	105,4
5.	Дарё ва каналларга тушган зах сувлар оқими (млн. м ³)	1831,4	2531,2	3590,4	196,0
6.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфланган жами маблағлар (млн. сўм)	2791,6	3459,1	3936,2	141,0

Ирригация хизматларини мелиоратив тадбирлар билан ўзаро боғлиқликда ривожлантириш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ажратилаётган маблағлар тезлик билан ўсиб боришини бартараф этади.

Ирригация хизматларини кўрсатиш жараёнида мелиоратив тадбирларга асос бўладиган қуйидаги камчиликлар мавжудлиги аниқланди:

– суғориш техникаси элементларининг тўғри танланмаслиги ва қўлланмаслиги;

– сувлар тақсимотининг нотекислиги, сув ҳисоби истеъмолчилар кесимида юритилмаслиги;

– ерлар мелиоратив ҳолати назоратининг сустилиги ва ҳоказо.

Ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлардан боғлиқликда фойдаланиш самарадорлигининг ҳозирги ҳолатига қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида баҳо бериш мумкин:

- 1 га экинга ҳақиқатда берилган сувни меъёрга нисбатан салмоғи;
- 1 м³ сув ҳисобига олинган ҳосил;
- сув тежайдиган технологиялар қўлланилаётган майдонлар салмоғи;
- сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 0-2 метр бўлган суғориладиган ерларни салмоғи;

⁸ Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва унинг қошидаги Мелиоратив экспедиция маълумотлари асосида ҳисобланган.

- сизот сувларининг шўрланиш даражаси 0-3 г/л бўлган суғориладиган ерларни салмоғи;
- шўрланмаган ерларни жами суғориладиган ерлардаги салмоғи;
- суғориладиган ерларда мелиоратив ҳолати яхши майдонларнинг салмоғи ва шу кабилар.

Андижон вилоятида кўрсатилаётган ирригация хизматлари ва амалга оширилаётган мелиоратив тадбирларнинг мавжуд самарадорлик кўрсаткичларига қаралганда, 1 гектар ердаги асосий қишлоқ хўжалик экинларига ҳақиқатда берилган сув миқдорларининг камайиши кузатилмоқда. Лекин ушбу сув сарфларини меъёрлар билан таққосланганда сув ортикчадан фойдаланилаётгани кўзга ташланади (3-жадвал). Шунингдек, 1 м³ сув ҳисобига олинган пахта хом ашёси йилдан-йилга камайиши, мева ва узум ҳосили эса сезиларли ошмаганлиги кузатилмоқда.

Маълумки, сув тежайдиган технологиялар ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлар самарадорлигини боғлиқликда оширишга катта имкониятлар яратади. Шу жиҳатдан, кузатилаётган даврда вилоятда томчилатиб, кўчма эгилувчан қувурлар орқали ва полиэтилен плёнка тўшаб суғориш технологиялари қўлланилаётган майдонларнинг жами суғориладиган майдонлардаги салмоғи ортган.

Бироқ суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ташкил этилиши ва бошқарилишининг мавжуд ҳолати ушбу технологиялар самарадорлигини ошишига тўсқинлик қилмоқда. Шунга қарамай, мунтазам амалга оширилаётган мелиоратив тадбирлар эвазига ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги 0-2 метр бўлган суғориладиган ерлар салмоғи 50,54 фоиздан 43,45 фоизга камайган, шўрланмаган ерларнинг жами суғориладиган ерлардаги салмоғи 96,44 фоиздан 97,12 фоизга ортган, жами суғориладиган ерлардаги мелиоратив ҳолати яхши ерларнинг улуши 32,56 фоиздан 32,75 фоизга ошган. Аммо, ер ости сувларининг шўрланиш даражаси 0–3 г/л бўлган суғориладиган майдонлар салмоғини 99,90 фоиздан 89,94 фоизга камайиши кузатилмоқда. Бу эса, ирригация хизматларининг ҳозирги ҳолатида ерлар шўрланиши ортишига туртки бўладиган омил ҳисобланади.

Тадқиқот мобайнида, вилоятда мавжуд ирригация хизматлари кўрсатилиши ва мелиоратив тадбирларнинг амалга оширилиши ҳисобига маҳсулот етиштириш рентабеллиги мева етиштиришда 5,1 фоизга, узум етиштиришда 2,6 фоизга, сабзавот етиштиришда 3,5 фоизга ва шоли етиштиришда 1,4 фоизга ошган. Лекин, давлат буюртмаси мавжуд бўлган пахта етиштиришда -11,5 фоизга, ғалла етиштиришда -5,5 фоизга пасайган.

Юқоридаги фикрлар асосида айтиш мумкинки, ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларнинг ҳозирги ҳолати қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш самарадорлигини оширишга ўз имкониятлари даражасида кўмаклаша олмаяпти. Демак, уларнинг самарадорлигини ташкилий-иқтисодий омиллар ёрдамида ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Шу боис туман СИУни ташкил этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали мутахассислар билан таъминлаш лозим.

**Вилоятда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлардан
фойдаланиш самарадорлиги⁹**

№	Кўрсаткичлар	Ўл- чов бир- лиги	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2018 й.да 2014 й.га нисба- тан, (+,-)
1.	1 га ердаги экинга берилган сувнинг меъёрга нисбатан салмоғи:	%						
	- пахта		111,7	103,8	101,1	115,7	109,4	-2,3
	- ғалла		231,5	213,5	162,1	174,8	173,3	-58,2
	- боғ		146,0	141,6	131,6	140,0	138,9	+7,1
	- узумзор		138,7	137,1	126,9	136,2	135,3	-3,4
	- сабзавот		72,9	73,2	72,9	73,2	72,9	-
	- шоли	163,7	163,7	163,7	163,7	163,7	-	
2.	1 м ³ сув ҳисобига олинган ҳосил:	кг						
	- пахта		0,44	0,44	0,48	0,43	0,42	-0,02
	- ғалла		0,83	0,86	1,21	1,21	1,10	+0,27
	- мева		2,80	3,10	3,40	3,23	2,86	+0,06
	- узум		2,19	1,90	2,29	2,35	2,23	+0,04
	- сабзавот		4,74	4,49	11,53	12,35	13,50	+8,76
	- шоли	0,11	0,11	0,11	0,11	0,26	+0,15	
3.	Сув тежайдиган техно- логиялар қўлланилаётган майдонлар салмоғи	%	0,15	0,31	1,26	2,55	5,49	+5,34
4.	Ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги 0-2 метр бўлган суғориладиган ерлар салмоғи	%	50,54	46,86	44,43	44,61	43,45	-7,09
5.	Ер ости сувларининг шўрла- ниш даражаси 0-3 г/л бўлган суғориладиган ерлар салмоғи	%	99,90	98,94	99,67	89,95	89,94	-9,96
6.	Шўрланмаган ерларнинг жами суғориладиган ерлар- даги салмоғи	%	96,44	96,97	97,14	97,14	97,12	+0,68
7.	Суғориладиган ерларда мелиоратив ҳолати яхши майдонларнинг салмоғи	%	32,56	33,08	33,30	33,20	32,75	+0,19
8.	Маҳсулот етиштириш рентабеллиги:	%						
	- пахтачилик бўйича		12,0	6,5	7,2	8,6	0,5	-11,5
	- ғаллачилик		36,8	37,0	37,4	37,5	31,3	-5,5
	- мевачилик		28,6	28,8	29,2	32,4	33,7	+5,1
	- узумчилик		28,9	29,3	30,4	32,1	31,2	+2,6
	- сабзавотчилик		34,6	35,3	37,4	37,7	38,1	+3,5
	- шоличилик	41,0	41,4	42,5	43,1	42,4	+1,4	

⁹ Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва имтиёзли кредитлар бериш маҳаллий ва чет эл инвестицияларини жалб этиш, соҳа мутахассисларининг меҳнاتини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

